



**Комилхон  
Каттаев**

**ШОҲ  
НЕЪМАТУЛЛОҲИ  
ВАЛИ ТАРИХИ**

**“Фан”**

**КОМИЛХОН КАТТАЕВ**

**ШОҲ НЕЪМАТУЛЛОҲИ ВАЛИ  
ТАРИХИ**

*(таваллудининг 675 йиллигига бағишланади)*

**ТОШКЕНТ**

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси**

**«ФАН» нашриёти**

**2006**

Комилхон КАТТАЕВ. Шоҳ Неъматуллоҳи Вали тарихи.

Рисола; Тошкент; 2006. «Фан» нашри. 2006, 84 бет.

Шоҳ Неъматуллоҳи Вали XIV-XV асрларда яшаб фаолият кўрсатган тасаввуфнинг йирик арбоби ва шоири бўлиб, унинг фаолияти шаҳримиз Самарқанд билан ҳам боғлиқ. У ҳақда юртимизда ҳозирга қадар бирор илмий тадқиқот эълон қилинмаган бўлиб, кўлингиздаги китоб илк монографик тадқиқотдир. Шоҳ Неъматуллоҳи Вали тўғрисида тарихий манбалар жуда кам сақланган. Ул зотнинг авлодлари ҳозирга қадар юртимизда, асосан Самарқанд заминида яшаб келмоқдалар ҳамда улуғ аждодларидан қолган меросий манба ҳисобланмиш тарихий ҳужжатларни асраб келмоқдалар. Ушбу рисола авлодларда, давлат архивларида ва шахсий кутубхоналарда мавжуд манбалардан фойдаланган ҳолда ёзилиб, Шоҳ Неъматуллоҳи Валининг ҳаёти, ижоди билан шуғулланувчи тарихчи талаба ва тадқиқотчиларга профессор-ўқитувчиларга ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

#### **МАСЪУЛ МУҲАРРИР:**

Филология фанлари доктори,  
профессор  
**Ибодулла МИРЗАЕВ**

#### **ТАҚРИЗЧИЛАР:**

Фалсафа фанлари доктори,  
профессор  
**Соҳибназар КАРИМОВ**

Филология фанлари доктори,  
профессор  
**Иноятулла СУВОНҚУЛОВ**

Фан номзоди  
**Қадриддин Халилов**

Вилоят «Маҳдуми Аъзами Даҳбедий илмий-тадқиқот Фонди

ISBN 5-648-03390-7 © ЎЗР ФА «Фан» нашриёти, 2006.

## СЎЗ БОШИ

*Ушбу рисола ёзилишига сабабчи инсон Эшони*

*Ҳожи Бақохон хотирасига бағишланади.*

Неча машаққатли даврларни ў бошидан кечирган заҳматкаш халқимиз, охириги бир асрдан зиёд ўтган вақт мобайнида айниқса жуда эзилди, қораланди, қадрияти топталди. Надоматлар бўлсинким, мустамлакачилик найзасининг ўткир тиғи, онгли равишда буюк тарихимизга қарата санчилди.

Бениҳоя шукрлар бўлсинки, мустақиллигимиз шарофати ила шунчалик буюк тарихга эга эканлигимизни энди англаётимиз. Тўғриси, ҳали тўлалигича англаб еганимизча йўқ. Бугун ислом оламида қадимий юртимиз Мовароуннаҳрчалик, Мовароуннаҳрда эса азим Самарқандчалик олиму авлиёларнинг қони бўлган муқаддас замин топилмаган ва топилмайди ҳам. Вилоятимиз бўйлаб шул қадар кўп мисли кўрилмаган алломалар кўмилишганким, кўникканимиздан буни оддий ҳол деб эътибор бермай ҳам қўйдик. Бузурғларимизнинг кўпларини ҳатто тарихларини билмаймиз, бошқаларини эса асрлар оша ёзилган китобларда номлари чалкаштирилган ёки умуман унутилган. Ваҳоланки, уларнинг кўплари ўз

соҳаларининг энг юқори силсиласидаги алломалари эдилар. Ана шундай холис талқин алломалардан бири **Шоҳ Неъматуллоҳи Вали** бўлиб, унинг фаолияти шаҳримиз Самарқанд билан ҳам бевосита боғлиқдир.

Шоҳ Неъматуллоҳи Вали ҳақида юртимизда ҳозирга қадар бирор илмий тадқиқот асосидаги монографик рисола ёки мақола эълон қилинмаган. Эронлик олим **Абдулхусайни Зарринқўб**нинг «*Чустучў дар тасаввуфи Эрон*» номли асарининг изоҳидаги маълумотга қараганда, эронлик доктор **Нурбахш «Зиндағи ва осори чаноби Шоҳ Неъматуллоҳи Вали»** номли монографиясини эълон қилдирган экан.<sup>1</sup> Афсуски, бу китоб билан танишиб чиқишнинг иложи йўқ ва шунинг учун юртимиздаги давлат ва шахсий архивлардаги манбалар асосида бу улуғ зотнинг ҳаёт йўлларига бир назар ташлашга уринамиз.

Ул зотнинг авлодлари ҳозирга қадар юртимизда, асосан Самарқанд заминида яшаб, фаолият кўрсатмоқдалар ҳамда улуғ аجدодларидан қолган меросий манба ҳисобланмиш тарихий ҳужжатларни суронли йиллар алангасидан асраб келмоқдалар.

<sup>1</sup>Абдулхусайни Зарринқўб. Чустучў дар тасаввуфи Эрон. Душанбе:Ирфон. 1992 Саҳ-347

Хужжатлар - шажара ва авлодномалардан иборат ва улар халқимиз мероси ҳисобланиб, дарҳақиқат ноёб манба сифатида мангуликка дахлдордир.

Ноёб қўлёзма хужжатларнинг қадр-қиммати ҳақида мутахассис олимлар бундай ёзишган: «Манқуртлик ҳукм сурган, диний ва миллий-тарихий қадриятларимиз оёқости қилинган мустабид тузум ҳақ-ҳуқуқимизни топтаган ҳолда ноёб қўлёзма асарларимизни, минг йиллардан буён кўз қорачигидай асраб-авайланган хужжатларимизни ёқдилар, йўқотдилар ёки шунга интилдилар... Аммо Оллоҳнинг назари тушган мислсиз гўзал, ораста, файзиёб Самарқандимизда даҳрийлар қўли етмаган, аниқроғи, уларнинг қаҳридан Яратганнинг Ўзи асраган оилавий шажаралар ҳам борки, бу энг аввало, Мустақиллигимиз туфайлигина ўзининг иккинчи ва мангу ҳаётини бошлади».<sup>2</sup>

Ҳазрати Шоҳ Неъматуллоҳнинг Самарқандда яшаб келаётган авлодларидан бири, табаррук нуроний Ҳожи Бақохон Мухторов илмий муассасалар, ҳокимият идораларига мурожаат килиб, ота мерос қолган қадимий қўлёзма хужжат ва муҳрлар асосида

<sup>2</sup> И.Мирзаев, Қ.Халилов. Маърифатга бахшида умр. Мотуридий Фонди. Самарқанд; 2003. 576-бет.

Шоҳ Неъматуллоҳнинг ва ул зотнинг Самарқанддаги авлодлари ҳақида бир рисола ёзишни илтимос қилган.

Шул тариқа иш бизга етиб келгач, Шоҳ Неъматуллоҳи Вали каби аллома тарихини ёзишдек шарафли ишни жон дилимиз билан қабул қилдик.

Яқинда, 2006 йил январь ойида раҳматлик отамнинг дўсти бўлган ушбу Эшони Ҳожи Бақохон бобо мерос ҳужжатлар нусхаларини бизга тақдиму пешкаш қилди.

Бир ярим ой ичида, шахсий ва давлат хазиналаридаги манбаларни истифода этган ҳолда кўлингиздаги ушбу рисола ёзилди. Қисқа даврда ёзилгани учун рисоладаги саҳву нуқсонлар чиқиб қолса, зукко ўқувчи ўзининг ақл қалами билан тузатишига аминмиз.

Рисоланинг ёзувчи ва тузувчисини ул уф бузургворлар руҳонияти тарбияласин.

## МУНДАРИЖА

СЎЗБОШИ.....	3
БИРИНЧИ БОБ	
Шоҳ Неъматуллоҳи Вали тарихи.....	7
ИККИНЧИ БОБ	
Хужжатлар сўзлаганда.....	28
Биринчи хужжат.....	28
Насабномаи пайгамбар(с).....	30
Насабномаи Мир Неъматуллоҳ Вали ва Маҳмуд Кисойи.....	31
Насабномаи фарзандони Мир Неъматуллоҳ Вали.....	37
Амир Темур Шоҳ Неъматуллоҳни имтиҳон қилгани баёни.....	41
Авлоди насабномаси.....	42
Шоҳ Неъматуллоҳи Вали аجدодлари шажараси.....	52
Шоҳ Неъматуллоҳи Вали авлодлари шажараси.....	53
Иккинчи хужжатнинг биринчи қисми.....	54
Мухрлар.....	54
Оилавий мухрлар.....	64
Иккинчи хужжатнинг иккинчи қисми.....	65
Султонул-орифин Хожа Аҳмад Яссавий насабномаси.....	69
ХУЛОСА.....	79
Адабиётлар.....	82